
13 мактаб ўқувчилари учун янги ўқув жиҳозлари олиб келинди

Тумандаги 13 мактаб биноси ўтган йил якунида 6 млрд. 150 млн. сўм маблағ эвазига мукамал таъмирдан чиқарилди. Ушбу муассасада 882 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Айни кунларда мактабдаги ўқув хоналарига янги ўқув жиҳозлари, доска, стол-стуллар, касбга ўргатиш анжомлари олиб келинди.

Жумладан, мактаб ошхонаси учун 80 ўринли стол-стуллар, ўқитувчилар учун 30 та, ўқувчилар учун 320 та стол-стул, синф хоналари учун 30 та шкаф, 31 та ёзув доскаси, тиббиёт хоналари учун махсус жиҳозлар, мусиқа хонаси учун 1 комплект овоз кучайтиргич ускунаси, чолғу асбоблари, доира, рубоб, дутор олиб келинди.

Ўқувчиларни дарсдан ташқари касбга ўргатиш хоналари учун ёғочга ишлов бериш асбоб-ускуналари, чархлаш асбоблари, дреллар, 6 та тикув машиналари керакли анжомлар билан таъминланди.

Мактаб спорт залига волейбол, баскетбол, гандбол, футбол тўплари, турник, сакраш ускуналари ўрнатилди.

Муассасада 8 дан зиёд касб йўналишлари, хусусан мебелчилик, замонавий тикувчилик, чархчилик, дурадгорлик ва асаричилик фаолияти амалий ўргатилиб, IT соҳаси билан биргаликда инглиз тилларини ўргатиш ҳам йўлга қўйилди.

2023-03-02 19:12:21